

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

16 апрель, чоршанба, 1997 йил
Сотувида эркин нархда. № 83 (1600)

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

МУКАММАЛЛИК МЕЗОН БЎЛСА

Қонунларнинг мукамал ва бекаму қўст бўлиши суд, прокуратура ва бошқа маъмурий органлар фаолиятини тўғри йўналтиришида, уларнинг иш жараёнида фақат қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан Олий Мажлиснинг саккизинчи сессияси кун тартибига гоят муҳим масалалар қўйилган

«Ўзбекистон Республикасининг хўжалик-процессуал кодекси» лойиҳаси ана шулар жумласидандир. Қонун лойиҳаси илгариги амалда бўлган қонунлардан фақат моддалар, бобларнинг қўллиги билан эмас, балки мустақил юртимизнинг иқтисодий-ижтимоий шароити, Ўзбекистон турмуш тарзи, маданияти, маънавияти ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилганлиги билан эътиборни тортади.

Шундай бўлса ҳам баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Қонун лойиҳасининг 6-моддаси хўжалик судида иш қўзғатиш масалаларига бағишланади. Шу моддада хўжалик судининг қандай ҳолатларда иш қўзғатиши мумкинлиги баён этилган. Модданинг 2-бандида «Қонун бўйича давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, прокурор, давлат ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатилади» дейилган. Иш қўзғатиш муҳим юридик ҳужжат ҳисобланади. Қонун лойиҳасининг мазкур банди эса анча маъхум бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам бу моддани конкретлаштириб, хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар билан аниқ баён қилиниши керак. Шунинг учун ҳам мазкур банд қўйидагича тахрир қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

«Қонун бўйича давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, прокурор, давлат ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатилади» дейилган. Иш қўзғатиш муҳим юридик ҳужжат ҳисобланади. Қонун лойиҳасининг мазкур банди эса анча маъхум бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам бу моддани конкретлаштириб, хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар билан аниқ баён қилиниши керак. Шунинг учун ҳам мазкур банд қўйидагича тахрир қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

«Қонун бўйича давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, прокурор, давлат ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатилади» дейилган. Иш қўзғатиш муҳим юридик ҳужжат ҳисобланади. Қонун лойиҳасининг мазкур банди эса анча маъхум бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам бу моддани конкретлаштириб, хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар билан аниқ баён қилиниши керак. Шунинг учун ҳам мазкур банд қўйидагича тахрир қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

қонуннинг ҳар қандай равишда бузилишини бартараф қилиш, одил судловни амалга оширишни таъминлаш, фақат қонунга бўйсуниб принципларига қатъий риоя қилиш чораларини қўриши шарт».

95-модда суднинг иш-ни юрйтишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аж-рими устидан шикоят қилиш масалаларига бағишланади. Шу моддада хусусий протест келтиридан шахс но-аниқ бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам модданинг 1-бандидаги 2-қато-ри «Унга нисбатан про-курор хусусий протест келтириши мумкин» деб тўдрилиса тўғри бўлади, деб ҳисоблайман.

Ҳали биринчи ўқи-лишда муҳомама қили-наётган бу қонун лойи-ҳаларига ҳуқуқшунос-лар, прокурорлар, маъму-рий органлар ва бошқа шахслар томонидан кўп тақлифлар киритилган. Шуниси қувончлики, мазкур қонун лойиҳа-лари мамлакатимизда ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларга қараган-да анча илгари умум-халқ муҳомамасидан сўнг қабул қилинмоқда. Бу эса мустақам қонун ус-туворлиги таъминлана-диган ҳуқуқий давлат бунёд этишда шубҳасиз муҳим қадам бўлади.

Баҳолир Тойжонов,
Фаргона вилоят
прокурори,
адлия катта
маслаҳатчиси.



Балиқчи туманидаги Х. Эргашев номи жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил ҳам 340 гектар майдонга плёнка остига барака уруғи қўйдилар.

СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Х. Тожиев ва хўжалик раҳбари А. Ҳожиёв; механизатор М. Нурутдинов.

Ш. ОЛИМОВ
олган суратлар.

ЯКУН ЧИКАРИЛДИ

Республика Вазирлар Маҳкамасида иқтисодий мажмуининг мажлиси бўлди. Республика иқтисодиёт маҳкамаларининг шу йил биринчи чорага-даги иш натижалари, иқтисодий-иқтисодий ислохотларни чуқур-лаштириш, инсон манфаатлари-ни рўйга чиқаришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш вазифалари қўриб чиқилди. Мажлисда Бош вазир ўринбосари Б. Хамидов бош-қарди.

Мажлисда йилнинг биринчи чорага-да бозор ислохотларига доир ва иқтисодий янгиликларни жараёнлари қуйгани, вазирлик ва идоралар молиявий бара-корликка эришиш, нарх белги-лашга эркин тус бериш, ташқи савдон кенгайтириш ва мил-лий валютани мустақамлаш юзасидан муҳим чораларни қўриб қилиниши тўғрисида қўриб чиқилди.

Қорхоналарда, айниқса сўнг-ги йилларда ташкил этилган қорхоналарда ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш натижа-сида, жўшгин инвестиция сие-сати ва иқтисодиётдаги тарки-бий ўзгаришлар тўғрисида иқ-тисодий ўсишга эришилди. Йил-нинг дастлабки уч ойида бюджетдан иқтисодиётга ажратил-ган маблағлар сарфи ва кредит миқдори устидан қаттиқ назорат ўрнатилган ҳисобга молия-вий барқарорлик сақлаб турил-ди.

Мажлис иштирокчиларининг диққат эътибори республикада макрорикетсодий даражадаги жараёнлар барқарорлашгани ва уларни бошқариш мумкин экан-лига қаратилди. Шу муносабат-билан энди макрорикетсодийни — айрим тармоқлар ва минта-қаларни равоқлантиришга кўпроқ эътибор бериш лозим. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун аниқ тадбирлар белгиланди.

(Ў.А.)

фирма ва компанияларнинг рамзий белгилари туширилган ёзувлари ҳамма ёқни босиб кетаётди. Қайси бир ошона ё савдо растаси эшигидан бош-лаб ичкаригича «XON» дан тортиб «MARLBORO» га, «ADIDAS» дан бошлаб «NIKE» га, ҳуллас, унлаб аж-набий номлар... Балки булар ҳам кераклир. Лекин меъёр бу-зилса нима бўлади. Нима, ўзи-мизнинг миллий рамзаларимиз-ни асл ўзбекчада ёзиб қўйсак ҳақимиз кетамизки?

Яна бир томони, бугун ис-тасак-истамасак, Бозорнинг шафқатсиз қонунлари қўларни эсанкиратиб қўйди. Энг ачи-нарлиси, телевидение ва радио-дан тортиб, газета журналлар-гача, ҳатто куча-қўйларда ҳам галати қиёфадаги рекламалар ёхуд миллатимизга ҳеч яраш-майдиган қилиқлар, тасвирлар туширилган расм-плакатлар зўр бериб тарғиб этиляпти. Булар сизу-бизнинг руҳиятимизга, миллий маънавиятимизга мос келармикан?

Яна байроқларга қайтаман. Кеча кечқурун қизим қаттиқ тайинланди. Боғча олмас бай-роқ ясаб келинган депти. Мит-ти байроқдан бор-ку (1 сен-тябрьда Мустақиллик майдо-нида улашланган энг ноидр совға), шуни олиб боргин, де-сам, у бош сиклиди: «х-о-о, берийман, уни ёстигимнинг остига яшириб қўйибман, кол-дуларни яхши қўраман, бошқа олеласиз».

Биз катталар болалардан иб-рат олсак арзир экан-а. Ўзбек-нинг зўр шонларидан бири айтгандай: «Болалар соддалик билан катталар биздан». Ватан-нинг азиз рамзаларини ҳар кун суюб, ардоқлаб юз-қўларимиз-га минг бора суртсак кам.

Норқоиб ЖАЛИЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.


САТРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қилади

БУХОРО ҲАҚИДА ВИДЕОФИЛЬМ

«Амир Темур» халқаро илмий экспедицияси шаҳарнинг 2500 йиллиги муносабати билан «Бухорои шариф» видеофильминин яратишга киришди.

20 қисмли бу ҳужжатли фильмга Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, республика ёшлари «Қамолот» жамғармаси ва унинг вилоят бўлими, «Амир Темур» халқаро илмий экспедицияси, «Ўзэлектроаппарат» очик турдаги хиссадорлик жамияти ва Бухоро вилояти ҳокимлиги хомийлик қилмоқда.



ТАШҲИС ТАШВИШЛАРИ



Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти-да ошқозон-ичак касалликларига ташхис қўйиш ва уларни даволаш борасидаги янгиликлар мавзуда республика илмий конференцияси иш бошланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томони-дан ташкил этилган бу анжуманда республика-миз тиббиётчилари билан бир қаторда АҚШ, Россия ва бошқа қўшни хорижий мамлакатлар-дан мутахассислар қатнашмоқда.

Конференция иштирокчилари икки кун мобайнида Ўзбекистонда гастроэнтерологик касалликларни даволаш ва мазкур соҳада ечим-ини кутётган масалалар ҳусусида фикр алма-шадилар.

ТАДБИРКОРНИНГ НИЯТИ ҚАТЪИЙ

Жалолқудук туманида «Конимех» дехон хўжалигини ташкил этган Уринбой Қодиров мўйнадан телпак ва бошқа буюмлар ишлаб чиқармоқчи.

У дастлаб 10 бош нурий келтирган эди. Ҳозир уларнинг сонин 150 тадан ошиб кетди. Фермер ҳайвонлар учун қўпоя етиштириш мақсадида бир ярим гектар ерни ижарага олди. Икки йил ичи-да мўйнали ҳайвонлар сонини беш минг-тага етказиб, ишлаб чиқариш цехларини очмоқчи.



ЯХШИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...



Ҳамза номидаги ўзбек давлат акаде-мик драма театрида Жасур Исҳоқовнинг «Мардикор» пьесаси асосида яратилган спектакл премьераси бўлиб ўтди. Асар-да гаҳхурлик ва меҳрибонлик кўрсатиб одамларни ёмон йўлдан қайтариш мум-кинлиги, инсонийлик фазилати тўғрисида беғона ҳам яқин қариндошга айланиши, худбинлик ва бойликка хирс қўйиш эса ҳеч вақт яхшиликка олиб келмаслиги намоён бўлади.

ЎЗИМИЗНИКИ БЎЛСА ЁМОНМИ?

Пайвандлаш электродлари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Германия қўшама корхонаси ташкил этилди.

Янги қўшама корхонанинг фаолият соҳаси тасодифан танланмаган. Республи-камизнинг пайвандлаш электродлари-га йиллик эҳтиёжи сал кам 50 минг тон-нани ташкил этади. Бироқ ҳозирги пай-тада мамлакатда анча кам микдорда элект-род ишлаб чиқарилмоқда эди.



УШБУ СОНДА:

2-бет
ЭНЦИКЛОПЕДИЯ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

3-бет
«КОЛТИН ВАГОН»

4-бет
УЙҒОНАЕТГАН
Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси «Миллий маънавият» кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Муҳаммадшоҳ Имомназаров билан суҳбат
ЎТМИШ

КЎНГИЛ ОЙНАСИ

ЮЛДУЗЛАР КЎЗИМГА ИССИҚ КЎРИНАР



бўлган ҳурмат-эҳтиром қандай бўлади?»

Шундан бери қаерга борсам бизнинг бетакор байроғимиз қадалган бўлса бирдан қарай-ман. Яқинда эса Туркистон-нинг XX асрдаги турки «байроғи» Чингиз Айтматов билан бўлган гурунгда ҳам Ўзбекистон туғи ҳақида гап бўлди.

Чингиз оғадан секин сўра-дим:

— Марказий Осиё давлатларининг байроқларидан уйин-гизда бордир?

У киши самимий жавоб бер-ди:

— Бўлмасам-чи! Қондошлик рамзлари менинг Бишкекдаги уйимдаям, Брюсселдаги элчи-хонамизда ҳам бор. Билмадим, уларнинг ҳаммаси гўзал ва ла-тофатли, ҳайратангиз. Лекин негадир кўзимга Ўзбекистон-ники жуда иссиқ кўринавери-ди. Табиатимда юлдузларга алоҳида меҳр борлиги учунми ё бошқа мен сезмаган сеҳр зоҳир этил-ганми, қуллас жуда гаройибда байроқларингиз.

Шундай дедю, кўнглидаги жиндақинна хавотирини-да, яширмади:

— Дунёда, доф бўлмас-ов, мен кўрмаган мамлакат қолма-ди ҳисоб. Аммо қайга борсам байроқларга кўп эътибор қила-ман. Кўпми, озми? Жуда кўп ул ёқларда! Бизда кам. Нега? Ҳеч сабабин ишлаб, ўйлаб то-полмайман. Ахир шўролар за-монини эслайлик. Етмиш йил-лик омонат байроқларини ҳис-оби йўқ эди-ку! Бугун энди

Тўрт йиллар бурун бир йиғинда ижодкор ағетимиз ёзириб қолди: «Кеча америка-ликлар иштирокчида ўтган маш-варатда галати воқеа бўлди. Ке-лишилган вақтда ҳамма ҳозир-ру нозир эди. Бир пайт эшик очилди-да, америкаликлар кўришди ва ... лаҳза ўтмай бир-дан ортларига қайтишди. Ҳамма ҳайрон. «Нима гап, тинчлик-ми?». Ававалига ҳеч ким исоҳ бермади. Сўнг бир йиғит тўрага утиб Америка байроғини секин утириб қўйди. Бизлар бўлеак эътибор қилмабмиз. Кейин билдик, меҳмонлар залга ки-ришлари биланоқ ўз байроқларига қарашибди. Сал эгилганроқ қилиб қадалган экан. Бир-бирларига шивирла-шиб, тўзатиб қўйишга ура-чиш бошланганини айтишиб-ди... Бу айримлар учун арзи-мас туюлар. Лекин бизлар учун аччиқ сабоқ эди. Мана, ўз байроғига, давлат рамзига

Боғдод туманидаги дон маҳсулотлари комбинати республикадаги турдош корхоналар орасида энг кенжаси ҳисобланади. Бу ердаги дастгоҳлар бошқа жойлардагига нисбатан янги ва замонавий. Шу боис ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар -- ундан тортиб, аралаш озукагача ниҳоятда харидорғир. Икки йил аввал акционерлик жамиятига айлантирилгач, корхона имкониятлари янада кенгайди. 1996 йил якунлари буйича давлат улушидан ташқари пайчиларга 11 миллион сўмдан зиёд дивиденд тўланди. Ёки ўтган йилги меҳнати эвазига ҳар бир ишчи 100 сўмлик бир дона акция ҳисобига 96 сўмдан фойда олди. Акцияларнинг умумий сони 290 мингтадан зиёдлигини ҳисобга олсак, пайчиларнинг даромадлари чакки эмаслиги аён бўлади.

Мўмай даромад ишчиларни янада ғайрат билан меҳнат қилишга ундаб турган бир пайта «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси томонидан донни қайта ишловчи корхоналардаги элеваторларни тозалаш тадбири ўтказила бошланди. Аслида, шундай қилиниши тўғри. Лекин шу пайлада мазкур корхона элеваторида унча-мунча эмас, бир неча минг тоннадан зиёд дон сақланаётган эди. Хуллас, корпорация кўрсатмаси ва вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бош-

ри» 4 миллион 896 минг сўмни ташкил этди. 73 минг 500 сўмлик тепловоз харажатлари, 20 минг тоннадан зиёд бугдойни оқлаш ва тушириш вақтидаги табиий йўқотишлар учун чегириб ташланган 210 минг сўмлик салкам 17 тонна дон маҳсулотлари бу ҳисоба кирмайди. Вагонларни тортиш, станция ҳужжатларини расмийлаштириш, амортизация, канцелярия, лаборатор-

ларида ҳамма иш рисоладагидек бажарилгани қайд этилди. Бироқ корхоналар бундан қанча зарар кўришгани уларни ташвишлантирмади. Энди боғдодликлар Қўқон ва Қувандан ўзлари жўнатган галлани қайтадан қабул қилиб олишпти. Маълумотларга қараганда, бир тонна донни элеваторга қабул қилиб олиш ва жой-

хам келтириб чиқармоқда. Масалан, омордаги донни жўнатиб, яна қайта қабул қилиб олиш учун ҳеч бўлмаганда 15 кун кетади. Бу пайта тегирмон ишламай туради. Яъни корхона белгиланган мuddатда 2.800 тонна ун ишлаб чиқарилмайди. Омехта эм ҳам, албатта, тайёрланмайди. Натижада корхона яна 5 миллион 949 минг сўмлик зарар кўради. Хўжалиқларга аванс тариқасида бериш учун олган қарзини ўзиш мuddати ҳам ўз-ўзидан камиди бир-икки ойга кечикади. Бу кечикиш ҳам оғз эмас, кўп эмас, 14 миллион сўмга тушар экан. Бошқача айтганда, корхона элеваторини «тозалаш олиши»га 33 миллион сўм сарфлашга мажбур.

«То за -

«КОЛТИК ВАГОН»

Унинг Боғдоддан Қўқонга бир бориб келиши корхонага 20 минг сўмдан зиёдга тушаяпти

кармаси белгиланган мuddат буйича мажбур дон маҳсулотларини март ойида Қўқон ва Қува комбинатларига, дон маҳсулотлари тайёрлаш идораларига жўнатишга киришилди.

Бундан бир ой илгари 60 вагондаги дон Боғдоддан Қўқонга қараб йўл олган бўлса, яқинда худди шундай таркиб Боғдодга қайтиб келди. Бошқача қилиб айтганда, донни қайта ишловчи корхоналарнинг элеваторларида сақланаётган галлалар ҳамон водий бўйлаб «сайру саёҳат» қилиб юришибди. Текинга эмас, албатта.

Масалан, март ойида 20 минг 500 тонна бугдой Кува ва Қўқондаги турдош корхоналарга, Фурқат дон қабул қилиш пунктига жўнатилиб, бунинг учун 312 та вагон сарфарбар этилганди. Битта вагонни жўнатиш учун корхона ҳамёнидан 14 минг 796 сўм, электрқуввати сарфи учун 479 сўм, эҳтиёт қисмлар учун 429 сўм сарфланган. Яъни битта «олтин вагон» корхонага 15.694 сўмга тушган.

Шу тариқа корхонанинг кўзда тутилмаган харажатла-

ри харажатлари ҳам қайд этилмаган. Агар ҳамма-си жамланса, 5 миллион 200 минг сўмдан ошиб кетади.

Хўш, «тозалаш» ўтказилишидан қандай мақсад кўзда тутилган эди? Утган йилнинг баҳорида корхона элеватори бўшаб қолган, мамлакатимиз ташқарисидан олиб келинаётган галла маҳсулотлари эса пешма-пеш қайта ишланганди. Бултур эса Фарғонада дон мўл бўлди. Урим-йўғимга қадр элеваторда анча миқдорда дон сақланиши маълум бўлиб қолди. Республика корпорацияси эса ана шу қолдиқни аниқлашнинг «антика йўли»ни ишлаб чиқди. Яъни маҳсулотларни у корхонадан бунисига, бунисидан унисига ўтказиш орқали ҳисоб-китоб қилишга киришди. Бежиз «антика» дейётганимиз йўқ. Чунки бутун дунёда галла маҳсулотлари идишнинг сифимига қараб ўлчанади. Балки бу янгилик самаралроқдир, деб ўйларсиз.

Лекин... Хуллас, нуфузли комиссия эринмай ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Қирим-қиқим ҳисобот-

лаштириш учун ўрта ҳисобда 265 сўм харажат қилинар экан. 20.500 тонна галлани қайта қабул қилиб олиш учун эса 5 миллион 432 минг 500 сўм сарфлаш керак. Бунга жўнатиш харажатларини ҳам қўшсак, салкам 11 миллион сўмга бориб қолади. Шунча харажат маҳсулот таннаригига қўшиб юборилса, истеъмолчилар ҳам анча зарар кўришлари аниқ.

Яна бир масала. Ҳозир корхонада 565 нафардан зиёд пайчи меҳнат қилмоқда. Қўтилмаган харажатлар эса охири-оқибатда уларнинг йил якунида оладиган дивидендларидан чегирилиб қолинади.

Апрел ойининг иккинчи ярмидан бошлаб «Фарғонадон» ҳиссадорлик жамиятида ҳам элеваторларни «тозалаш» тадбири бошланади. Демак, яна юқоридаги воқеалар такрорланади. Бу ердаги дон қолдиғи эса 25 минг тонна атрофида. Корхонадаги пайчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу тадбир 12 миллион сўмдан зиёдга тушиши кутиляпти.

Ана шу барча оворагарчиликлар бошқа муаммоларни

«лаш» операциясининг сўнги навбати қувалиқларга тегадиган бўлди. Улар «ишчи» май ойидан бошлашсади. Корхонада бир неча минг тонна галла мажбур. Демак, харажат ҳам шунга яраша бўлади.

Йил якунлари буйича бу жамоа пайчилари 8 миллион сўмдан зиёд дивиденд олишганди. Юқоридаги каби «қўтилмаган харажатлар» бўлаверса, бу йилги фойданинг баракаси учиб кетиши ҳеч гап эмас.

Утган йил Фарғонада, юқорида айтилганидек, чинакам галла йили бўлди. Тарихда биринчи марта галлакорлар вилоят аҳолисини ўзлари етиштирган дон маҳсулотлари билан таъминлашлари мумкинлигини амалда исботладилар. Қайта ишловчиларнинг ҳам кўкракларига офтоб тегди. Аввалги йиллардагидек Қозоғистону Россия, Украинаю Белорусь, хатто уммоноти мамлакатларидан галла излаб юрмадилар. Улар фойда ҳисобига янги ишлаб чиқариш тармоқлари, маданий муассасалар, қўшимча саноат тизимлари барпо қиламиз деб турганларида «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси «қўтилмаган харажатларни» сарфлаш ҳақида буйруқ чиқарди. Бу корхоналарга қанчалик зарар келтирганини юқорида тилга олдик. Ана шу йўқотишларга ким жавоб беракин?

«Халқ сўзи» мухбири.

Набижон СОБИР.

«Тошкент Заллум Ойл Компани»
кўшма корхонаси,
«Заллум групп Сейнтрал Эйша»
шўъба корхонаси раҳбарияти ва жамоаси Марказий Осиё минтақасидаги барча мусулмон биродарларни

қадимий ва улуғ айём -
Қурбон ҳайити
/уйғ-ал-Ағҳа/
билан самимий муборакбод этади.
Барчамизга доимо Худо ёр бўлсин!

UZBEKISTAN **TURKEY**

Barakat Co. Ltd.

Ўзбек халқини муборак Қурбон ҳайити айёми муносабати билан чин қалбдан қутлайди ҳалда ҳар бир жонадонга бахту иқбол ва баракат тилайди.

Оллоҳ таолодан бундай дамларнинг кўп қайтарилишини, қондош ўзбек халқининг ҳар томонлама тараққий этган эркин жамият барпо қилишда буюк ва эзгу орзу-умидларининг ушалишини тилаймиз.

Адолат ва бунёдкорлик йўлида Яратганиниг ўзи доимо сизга мадакор бўлсин!

Баракат Ко ЛТД


ЕРУФ ХИБОН

Домла, «Ейнинг кашф қилиниши ондаги иқтидорлар»...

қилинади. Ёзувчи, ёлгон сўз, қора ният йўқликка маҳкум эканлиги таъкидланади.

Будун бўлсин дейин... каби сатрларда ёрқин ифодасини топган.

давлатларида вужудга келган бўлиб, бизнинг минтақада бу давр ёзувлари ҳақида мукамил маълумотлар топилган эмас.



Ташкентнинг қишлоқлари ва қишлоқчилари.

«МУШТУМ»НИ ҲАҚИДА

Қаҳқаҳо кулгига бой журналистнинг учинчи сони босмадан чиқди. Бахор, Наврўз нафаси ушбу сонда берилган барча асарлар бетига «сочиб» юборилган.

ҲАҚИДА

Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси «Миллий маънавият» кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Имомназаров билан суҳбат.



ҲАҚИДА

аслида ҳар бир халқ, ҳар бир ўлканинг ривожига мутақоф ўзига хос жиҳатлари мутақоф ўзига хос минтақасида, масалан, илк шаҳарлар милоддан 3-4 минг йил илгарийек шакллана бошлаган бўлса-да, улар атрофида яна минг йиллар давомида кичик-кичик уруғ жамоалари, кейинроқ қабила ва эллар кўчманчи ёки ўтрок шаклида яшаб келишди.

Туркий тилда қўллаб булда эътиқоди руҳида яратилган қадим матлар, бадий асарлар, шеърлар бизгача етиб келган. Бундан ташқари, қадим Туронда насроний дини, монилик йиғишти, туркий элларнинг Кук тангри эътиқоди каби турли диний таълимоти тизимлари аждоқларимиз орасида тарқалган бўлиб, 7 аср охири, 8 аср бошларидан булар сабабга ислом дини келиб қўшилди.

Атиқашуносларимиз изланишлари натижасида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан насронийлик, зардуштийлик, буддавийлик, эллинизм даври санъати ва архитектурадаги оид қўллаб осори атиқлар топилган ва улар нафақат бизда, балки дунёнинг қўллаб бошқа мамлакатларида музейларда сақланмоқда.

ТОШ ВА БРОНЗА АСРИДА

Тош ва бронза асрида яшаб ўтган томирдошларимиз онда шаклланиб «асотир тафаккур» тушунчасини изоҳлаб берсангиз. Асотир тафаккур, содда қилиб айтганда, маъмув тушунчаларини моддий воқеликдаги муайян нарсалардан тасаввур қилишни англатади.



«Авесто» тилида «билим» «ясна» эса «сичини» маъносида бўлиб, адабиётларда кўпинча Зардуштийлик дини аталувчи эътиқод аслида «Билимга сичини» маъносидати «Маздаясна» таълимотидир.

Зардуштийлик ва ислом дини оралиғида мавжуд бўлган турли хил диний оқимлар тўғрисида фикрлансак. Зардуштийлик давридан шакллана бошлаган Маздаясна эътиқоди милоддан аввалги VIII-VII асрларгача муайян ўзгаришлар билан тақомиллашди.

Биз назарда тутган замонда тил ва ёзув қандай шаклланиб эди? Аввало ёзув деганда нима тушуномқ керак? Энг қадим инсонлар ўз фикрларини турли шартли расмлар билан ифодалаганлар. Бундай қўйиш суратлари жуда қадимги даврлардан маълум қилинган.



Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0227

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

ХҲЖАЛИК, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ОҲАНГАРОН ТУМАНИ ҲУДУДИДАГИ «ЯНГИ ҲАЁТ» ЖАМОА ХҲЖАЛИГИНИНГ «DEMIR» ФИРМАСИ ТОМОНИДАН СОТИБ ОЛИНГАНЛИГИ ВА ХҲЖАЛИКНИНГ МАВЖУД БАРЧА ХАРАКАТДАГИ ҚАРЗЛАРИНИ ТУЛАШНИ КАПОЛАТЛАГАНЛИГИ ТУФАЙЛИ, УШБУ ХҲЖАЛИКДА ҚАРЗИ БЎЛГАН БАРЧА ТАШКИЛОТЛАР КЕРАКЛИ ХҲЖАТЛАР БИЛАН 1997 ЙИЛНИНГ 16 АПРЕЛИДАН МҲБИБОРАН БИР ОЙ МУҲЛАТ ИЧИДА ҚҲЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИШЛАРИ МУМКИН:

Advertisement for DEMIR company, including contact information and services provided.

«МУШТУМ»НИ ҲАҚИДА (continued)
«Тилинг қанча туришини?», «45 сўмлик «жумбоқ»нинг нелигини, «Наслинг киму, аслинг қим»лигини «Ҳаммаси Рост»лигини, «Лўлининг ноғораси» қанақалигини, «ТТ»нинг маъносини, «Қабристон ҳам қаҳат бўладими?»ни, «Аёл маънавияти» нималардан иборат эканлигини билмоқчи бўлсангиз... нимадан ташқари, эҳ-е, теша тегмаган қанчадан-қанча асарлар билан танишиб мириқиб кулишни, хордик чикаришни истасангиз... Тодингиз, журнални топиб ўқишингиз, томоша қилишингиз даркор.

РЕКОРА ТАКРОРЛАНАИ

Футбол бўйича Ўзбекистон олтинчи миллий чемпионати бахслари тобора қизгин кечаётди. Жумладан, тошкентлик футбол мухлислари еттинчи турда бири-бирдан қизиқарли курашларга бой бўлган иккита учрашувнинг шохиди бўлишди.

МҲХК стадионида ҳарбий-лашхона жамоаси шу кунгача бешинчи ўринни эгаллаб турган «Бухоро» клубини қабул қилди.



«Трактор» -- «Нефтчи» учрашуви, айниқса, жуда қизиқари ўтди. Майдонда дерили тенгма-тенг кураш борди ва ҳатто бизни дақиқаларда «Трактор» жамоаси устунликка эришти. Бироқ омад шу кун улардан юз ўтирди. Учрашувнинг сўнгги дақиқаларида ҳимоячи В. Киязов 22 метр масофадан тўпни кучли зарб билан «Трактор» дарвозасига аниқ йўллади.